# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 16 сентябрь № 195 (3470) Пайшанба


## ПРЕЗИДЕНТ ҚОЗОҒИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 сентябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрига жўнаб кетди.

Мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида МДҲнинг муҳим ва аҳамиятли тузилма эканлигини таъкидлади. У, айниқса, Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ўртасидаги коммуникация, жумладан, ҳаво ва темир йўл транспорти алоқаларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришда муҳим ўрин тутиб келмоқда. Мана шунинг ўзи ҳам МДҲнинг керакли ва аҳамиятли эканини кўрсатиб турибди.

Аммо, МДҲ фаолияти бундан ҳам самаралироқ бўлиши мумкин эди.

Сиёсий ва ҳарбий масалалар билан бирга иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўпроқ эътибор қаратилганида, тузилмага аъзо мамлакатлар учун янада фойдалироқ бўларди.

Остона саммитида мана шу масалалар, яъни иқтисодий ҳамкорлик ва хавфсизликка доир муаммолар кенгроқ ва атрофлича муҳокама этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

(ЎзА).

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

***БУХОРО (ЎзА мухбири Илҳом САФАР).***

Расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Чехия Республикаси Президенти Вацлав Клаус 15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Бухорога келди.

Қадимий Бухоро зиёрати Арк қалъасидан бошланди.

Меъморий обида Чехия раҳбарида катта таассурот қолдирди.

Олий мартабали меҳмон Исмоил Сомоний, Тоқи Заргарон, Тоқи Саррафон, Тоқи телпакфурушон, Лаби ҳовуз каби тарихий обидаларни зиёрат қилди.

В.Клаус Ўзбекистонда, жумладан, Самарқанд ва Бухорода тарихий ёдгорликларни, миллий-маданий меросни асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётганига юксак баҳо берди. Ўзбекистон билан Чехия ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Шу куни Чехия Президенти ватанига жўнаб кетди.



## Олтиариқ барчинойлари

“Нуробод” ширкат хўжалиги Олтиариқ туманидагина эмас, балки Фарғона вилоятида ҳам илғор жамоалар сирасига киради. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, довруқли пахтакор Лолахон Муродова бош бўлган жамоа айни пайтларда ҳам пахта йиғим-теримида вилоятда пешқадамлар сафида бормоқда.

Мавжуд 873 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш иштиёқида меҳнат қилаётган жамоада теримчилар мусобақаси авжида. Айниқса, чеварлар басма-басида Барчиной Нортожиеванинг қўли баланд келмоқда. У ҳар куни 150-170 килограммдан ошириб пахта термоқда.

**СУРАТДА:** **кўпминг-килограммчи теримчи Барчиной Нортожиева.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Жиноятчилар жаҳонни ваҳшийлик домига тортишмоқчи

***Жорий йилнинг 11 сентябрида Исроилнинг Херзлие шаҳрида «Терроризмнинг халқаро кўлами» тўртинчи халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Унда нутқ сўзлаган ГФР ички ишлар вазири О.Шили XXI аср бошида инсоният яна ибтидоий замонларга қайтарилмоқда, қонхўр террорчилар барча маънавий қадриятларни оёқ ости қилишмоқда, дея таъкидлади. Бугунги кунда биз маданиятли дунёдами ёки ваҳшийлик исканжасида яшаймизми деган саволга жавоб қидирмоқдамиз.***

«Террорчиларни «озодлик курашчилари» сифатида таърифлаётган ҳар кимса бегуноҳ болаларнинг тўкилган қони ва азоб-уқубатларига нисбатан бешафқатдир», деди О.Шили. Террорчилик «заифлар ва мазлумлар қуроли» эмас. Террорчилик бу ажал уруғидир. Айнан шу Нью-Йорк, Беслан, Бали, Мадрид, Бершебеда содир этилган террор хуружларини бирлаштириб туради. Бу ёвузликка қарши биргаликда курашмоқ зарур.

Террорчилар барча воситалар, шу жумладан, гаровга олинганларнинг камерада суратга олинган беаёв қатл этиш тасвирларини телевидение орқали намойиш этиш усулларидан фойдаланишмоқда. Халқаро терроризмнинг янги шаклларига қарши ўз тамойилларимиз ва қадриятларимизга суянган ҳолда янгича жавоблар, янгича кураш йўлларини излашимиз тақозо этилмоқда. Уйлашимча, биз уларни ҳозирча излаб топмадик, таъкидлайди германиялик вазир. Биз халқаро терроризмга қарши кураш нафақат сиёсий ва ҳарбий вазифа, нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари масъулияти, балки айни пайтда ўз онг-шууримизга бўлган даъват эканини англашимиз керак.

Минтақавий терроризм террорнинг одатдаги турларидан фарқ қилади. Биринчидан, унинг ҳамла қилиши учун аниқ нишон йўқ. Унинг мақсади — имкон қадар қурбонлар сонининг кўплигига эришиш.

Иккинчидан, террорчилар дунёнинг турли мамлакатлари, жамиятнинг турли табақаларига мансубдир. Улар сафида майда жиноятчилардан тортиб то олий ўқув юртлари талабаларигача бор. Уларнинг аксарияти узоқ йиллар мобайнида ўзларига алоҳида эътибор жалб этмаган ҳолда оддий ҳаёт тарзини кечирган. Учинчидан, жаҳон ҳамжамияти ўта маҳфийлашган гуруҳлар тармоғига дуч келмоқда.

Терроризмни қўллаб-қувватлаётган экстремист гуруҳлар ва ташкилотларни тақиқлаш эҳтимолий террор хуружларини олдини олишнинг самарали воситасидир, деди О.Шили. 2003 йилнинг 15 январида ГФРда зўравонлик ва антисемитизм ташвиқоти билан шуғулланган «Ҳизб ут-таҳрир» ташкилотининг сиёсий фаолияти тақиқланди. Мазкур гуруҳ ўз мақсадларига эришиш йўлида зўравонлик усулларидан фойдаланиш тарафдори бўлган ва бинобарин, бу тақиқ жамиятга зид ташвиқотларга барҳам беришга хизмат қилади.

Дунёнинг буюк динларидан бирини ниқоб қилиб олган халқаро терроризм устидан ғалабага мутаассибларни аксарият мўминлардан четлатиш йўли билан ҳақиқий мусулмон дунёси қалби ва онгини қозонган тақдирдагина эришиш мумкин, деб якунлади ўз нутқини ГФР ички ишлар вазири О.Шили.

**«Жаҳон» АА.**

### Беслан шаҳрида рўй берган террорчиликдан зарар кўрганларга ёрдам бериш мақсадида пул ўтказиш учун валюта ҳисоб рақамлари:

**“Банк развития региона” ОАЖ**
**ОЛУВЧИ/ ҲИСОБ РАҚАМИ/ №40911840200000000015**
**INTERMEDIARY: OJSCB “AVTOBANK—NIKOIL”**
**/КОРРЕСПОНДЕНТ БАНК/ L19048,EFREMOVA STR 8, MOSCOW, RUSSIA**
**S. W. I. F. T. CODE: AVTBRUMM**
**CORRESPONDENT ACC: /USD/ ACC. № 30109840000011001260**
**AT AVTOBANK —NIKOIL**
**BANK OF BENEFICIARY: JSC “BANK OF REGION DEVELOPMENT”**
**/ОЛУВЧИНИНГ БАНКИ / VLADIKAVKAZ, RUSSIA NON SWIFT BIC**
**CODE: REDVRU21**

***«Ал-Хоразмий — Вамбери» Халқаро илмий жамияти Хоразм вилоятида нодавлат-нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида вилоятдаги кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш тадбирларини бошлаб юборди.***

## Ишлаб чиқаришга самарали лойиҳалар

«Ҳамкорлик асосида жамиятни ривожлантириш» мавзуида ўтказилган давра суҳбати шу тадбирлардан биридир. Унда иштирок этган маҳалла оқсоқоллари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари жойлардаги ижтимоий муаммолар ечимини ҳал этишда тегишли бошқарув органлари,халқаро жамғармалар билан ҳамкорликнинг аҳамияти катта эканлигига алоҳида тўхталдилар.

Мазкур тадбир иштирокчилари вилоятнинг бир қатор туманларида бўлиб, нодавлат-нотижорат ташкилотлари томонидан қишлоқларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ўн икки лойиҳа билан танишиб чиқдилар. Шуниси эътиборлики, мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро жамғармаларнинг грант маблағлари жалб қилинган эди.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг*
*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат муддатлари 2004 йилнинг декабрь ойида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 117-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида, яъни 2004 йилнинг 26 декабрида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни қонун ҳужжатларига, умум эътироф этилган халқаро норма ва андозаларга тўла мувофиқ ҳолда самарали тайёрлаш ва ўтказишни таъминлаш, шунингдек сиёсий партиялар, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда уларга ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддаси, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси 2004 йилнинг 20 сентябридан бошланиши эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирларнинг календарь режаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича битта сайлов округи учун сайловчилар нормаси ўртача 119,6 минг сайловчи ҳисобидан белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов округлари тузилсин ҳамда уларнинг рўйхати округ чегаралари ва сайловчилар сони кўрсатилган ҳолда 2004 йилнинг 12 октябрига қадар эълон қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссиялари 2004 йилнинг 17 октябрига қадар тузилсин.

5. Белгилансинки, сайлов участкалари ва участка сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов учун ягона ҳисобланади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссиялари:

2004 йилнинг 27 октябрига қадар сайлов участкаларини;

2004 йилнинг 16 ноябрига қадар участка сайлов комиссияларини тузадилар.

6. Белгилансинки, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида” ги Қонунга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун сиёсий партиялар тегишли ҳужжатларни Марказий сайлов комиссиясига 2004 йилнинг 17 октябрига қадар тақдим этишлари лозим;

сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш 2004 йилнинг 20 октябридан бошланади ва 2004 йилнинг 10 ноябрида тугалланади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан ҳужжатларни қабул қилиш 2004 йилнинг 13 ноябрида тўхтатилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш 2004 йилнинг 20 ноябрида тугалланади;

манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўз кузатувчилари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссияларига 2004 йилнинг 11 декабрига қадар маълум қилишлари лозим.

7. Белгилансинки, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ участка сайлов комиссиялари:

сайловчиларнинг рўйхатларини ҳамма танишиб чиқиши учун 2004 йилнинг 11 декабрига қадар, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса 2004 йилнинг 19 декабрига қадар тақдим қиладилар;

сайловчилар рўйхати билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларнинг ўз вақтида хабардор этилишини таъминлайдилар;

2004 йилнинг 16 декабрига қадар сайловчиларни овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида хабардор этадилар.

8. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ:

сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланиши ва 2004 йилнинг 25 декабрида тугалланиши;

овоз бериш 2004 йилнинг 26 декабрь куни соат 6.00 дан соат 20.00 гача ўтказилиши қайд этилсин.

9. Белгилансинки, участка сайлов комиссиялари 2004 йилнинг 26 декабрь куни овоз бериш тугагач овоз бериш якунларини аниқлашга киришади, участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилиши натижалари бўйича баённома тузади ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган баённомалар асосида сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва баённомани Марказий сайлов комиссиясига 2004 йилнинг 31 декабрига қадар белгиланган тартибда тақдим этади.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов якунлари тўғрисидаги хабар ҳамда сайланган депутатларнинг рўйхати матбуотда 2005 йилнинг 5 январига қадар эълон қилинсин.

11. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 52-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари янги сайланган депутатларининг тегишли қўшма мажлислари 2005 йилнинг 26 январидан кечиктирилмасдан ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

12. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий сайлов комиссияси Раиси** **Б. МУСТАФОЕВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 15 сентябрь.

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси Б.Мустафоев бошқарди.

Маълумки, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат муддатлари шу йилнинг декабрь ойида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси, яъни 2004 йил 26 декабрда ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси шу йил 20 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режаси ҳам тасдиқланди.

(ЎзА).




## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

# МЕҲР ВА МУРУВВАТ МАНЗИЛЛАРИ БЎЙЛАБ

**_Кишига меҳр беришнинг, муҳтожларга мурувват кўрсатишнинг йўли, турлари кўп. Аммо болажонларнинг мурғак қалбларига йўл топиш, ўксик кўнгилларига қувонч улашиш, уларни маънавий қўллаб-қувватлашнинг қадри ўзгача._**

**_Мустақиллик байрамининг 13 йиллиги арафасида вилоят марказида қуриб битказилган «Истиқлол» болалар истироҳат боғи жамоаси дастлабки иш кунини «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига, мактаб-интернатлар ўқувчиларига, вилоятнинг энг чекка қишлоқларидаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига мурувват кўрсатишдан бошлади._**

**_«Меҳр ва мурувват йили» дастурида бу каби маданий-маънавий тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган. Яқинда ёрдамга муҳтож 400 та оиланинг ўғил-қизлари Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларида бўлиб қайтишди. Тарихий жойлар, зиёратгоҳларга мунтазам саёҳатлар уюштирилаяпти. Бундай савобли ишлар хусусида ушбу саҳифада батафсил сўз юритамиз._**

*Меҳр ва мурувват деган ибора замирида биз жамиятимизда аҳиллик, меҳр-оқибатлилик, миллатлараро дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш, шу мақсадларга эришиш учун тегишли шароит ва имкониятларни яратиб бериш, маҳаллаларимизнинг бу масаладаги ролини янада кучайтириш вазифасини тушунамиз.*

**И. КАРИМОВ.**



Вилоят марказининг энг кўркам ва серфайз гўшаларидан бири мамлакатимиз мустақиллигининг ўн уч йиллиги арафасида ишга туширилган болалар боғидир. Бу масканга «Истиқлол» деб ном берилди. Унинг бағрида ўйнаб-кулган кичкинтойларни чин маънода истиқлол чечаклари дейиш мумкин.

Йиллар ўтар, замонлар ўтар. Ўшанда ҳам 2004 йил — Меҳр ва мурувват йилида барпо этилган боғнинг эзгу меваларидан келгуси авлодлар баҳраманд бўлғусидир.

**Умар РАҲМОНҚУЛОВ олган сурат.**

## Ҳар бир қалбнинг ўз дунёси бор

— Қишнинг айни чилласида маҳалламиздаги кам таъминланган оилаларга 50 килограммдан ун, кўп ўтмай ўта муҳтож оилаларга 10 килограммдан пахта ёғи тарқатишди, — дейди Жиззах туманидаги Тоқчилик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Х. Эргашев. — Маҳаллий фуқаролар йиғинидан қишлоғимизга кунжара, шелуха етказиб беришгани ҳам айни муддао бўлди. Молини сотмоқчи бўлган қишлоқдошларимнинг кўпчилиги чорвасини сақлаб қолди. Одамлар бундай эътибордан, ғамхўрликдан руҳландилар.

Ҳақ гап. Инсонга бўлган озгина эътибор, ёрдам бир олам куч-қудрат бағишлайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, вилоят бўйича 3136 оилага 11,5 миллион сўмлик пахта ёғи, чорваси учун салкам 36,5 миллион сўмлик ем тарқатилганлиги амалий ишлардан далолат.

Ҳа, Меҳр ва мурувват йили дастурига бу каби кўплаб мурувватлар, хайрия тадбирлари киритилгани, бу борадаги таклиф ва ташаббусларга кенг ўрин берилгани бежиз эмас.

Қабул қилинган дастурга биноан, ўтган даврда шаҳар, туманлардаги ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланганлар, боқувчисини йўқотган оилаларга жами 3 миллиард 885 миллион сўмликдан зиёд мурувват ёрдами кўрсатилди. Унинг салкам 2 миллиард сўмини ҳомийлик ёрдами ташкил этиши жойларда беминнат, беғараз мурувват кўрсатиш ташаббускорлари тобора кўпайиб бораётгани билан изоҳланади, десак бўлади. Хизмат, ёрдам турлари ҳам хилма-хил.

Ҳозиргача вилоятдаги 200 нафар боланинг хатна тўйи, 118 жуфт келин-куёвнинг никоҳ тўйларига ҳомийлар бош-қош бўлишди. 1150 нафар фуқаро вилоят ҳудудида қатновчи автобусларда бепул юриш чипталари билан таъминланган. 26 та оилага телевизор берилди ва ҳоказо...

Бемор қарияларга уларнинг уйларида доимий тиббий, маиший, савдо хизматлари кўрсатилаётгани, ногиронлар учун кўчма кутубхоналар ташкил этилгани булар ҳисобига кирмайди.

Вилоятда шу пайтгача ижтимоий соҳа объектларини қуриш, мавжудларини таъмирлашда муаммолар тўпланиб қолганди. Жорий йилда қабул қилинган дастур ижроси мобайнида бу ишда бир қадар силжишлар бўлаяпти. Бахмал, Ғаллаорол, Фориш туманларида янги мактаблар, синф хоналар қуриш ташаббуси билан чиққан тадбиркорлар, билим даргоҳларини таъмирлашда ҳомийлик қилаётган корхона-ташкилотлар маорифчиларга амалий ёрдам кўрсатишаяпти.

Энди баъзи муаммолар ҳақида. «Меҳр ва мурувват йили» вилоят дастури, таъбир жоиз бўлса, йилимиз мазмуни, моҳиятини юзага чиқарувчи сўзлар билан бошланган: Жиззах шаҳрида «Меҳр ва мурувват шаҳарчаси» барпо этилади. Шаҳарчада боқувчисини йўқотган, энг муҳтож оилалар учун турар жойлар, кўзи ожиз болалар мактаб интернати, қария ва ногиронлар учун «Мулоқот уйи», қўйингки, дастурнинг биринчи боб биринчи бандининг ҳар бир сатри биз орзу қилган меҳр-мурувватни юзага чиқарувчи ғоялар билан суғорилган.

Ҳозиргача шаҳарчани барпо этиш лойиҳа-сметаси тайёрланган. Қисман вилоят ва шаҳар бюджети, ҳомийлар ҳамда халқаро ташкилотлар грантлари ҳисобидан қурилажак шаҳарчанинг маблағи масаласи муаммо бўлиб турибди. Тўғри, маҳаллий ҳокимлик ўз имкониятлари даражасида изланаяпти. Вилоятда оммавий шанбаликлар уюштирилди. Мамлакат Дастурига ҳам кирган шаҳарча қурилиши юзасидан вилоят ҳокимлигида тайёрланган қарор ишда жиддий бурилиш ясайди, деб умид қиламиз.

Шаҳарнинг Сайилжой маҳалласида қурилиши тугалланмаган 24 хонадонли уйни битказиб, ночор оилаларга, етимларга бериш кўзда тутилганди. Лекин негадир бу иш ҳамон пайсалга солиб келинмоқда.

## Савоб қилсанг, бутун қил...

Ём қишлоғида жойлашган «Мурувват уйи»га қисқа фурсатда жиддий амалий ёрдам кўрсатилди. Энг муҳими, Зомин тумани ҳокими қарори билан «Мурувват уйи»га 50 гектар ер ажратилди, «Матиз» тиббий хизмат транспорти билан таъминланди.

Аммо бу ерда ҳаммом қуриш, маданий-маърифий ва дам олиш хонасини таъмирлаб, жиҳозлаш каби юмушлар, муддати ўтган бўлса-да, «Жиззахчўлқурилиш» ҳиссадорлик жамияти, вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан амалга оширилмаган. «Мурувват уйи»нинг физиотерапия хонаси учун жиҳозлар келтириш масаласи ҳам ечимини топмаган кўринади.

Шунингдек, шаҳардаги ўз номи билан «Саҳоват уйи» деб аталмиш вилоят қариялар оромгоҳининг 2-навбати лойиҳа-сметаси ҳужжатлари март ойигача тайёрланиб, қурилиши Мустақиллик байрамигача тугалланиши кўзда тутилганди. Бу борада оқсаш рўй бермоқда.

Жиззах шаҳри ва барча туманларда ҳомийлар Қариялар куни — 1 октябргача камида 5 нафардан қариянинг уйини таъмирлаб беришни ният қилишганди. Айрим туманларда «Қариялар куни»нинг келишини кутиб туришганмиш. Бу хайрли ишни кечиктирмасдан қарияларга қўшалоқ қувонч ҳадя этилса бўлмайдими?

Халқимизда «Хайр қилсанг, бутун қил», деган нақл бор. Кимгадир мурувват кўрсатишни ният қилган одам, уни охиригача етказиши лозим.

### Рақамлар сўзлайди

● ***Йилнинг ўтган даври мобайнида 1186 киши вилоят ҳамда республиканинг бошқа ҳудудларидаги санаторийларда дам олиб, соғлиқларини тиклашди. 50 нафар ногиронга аравача тарқатилди.***

● ***Меҳр ва мурувват йили муносабати билан «Хотира ва қадрлаш куни» ҳар қачонгидан кенг нишонланди. Биргина Жиззах шаҳрида 700 нафар фахрийга байрам дастурхони ташкил этилиб, уларнинг ҳар бирига 10 минг сўмдан пул тарқатилди. Шу куни вилоят бўйича жами 410 миллион 131 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.***

● ***Кўмакка муҳтож оилаларнинг бемор фарзандларини даволашга ёрдам бериш ташаббуси билан чиққан вилоят банклари болалар шифохонаси, юқумли касалликлар шифохонаси ҳисоб рақамига жами 1.655.625 сўм маблағ ўтказишди. Иш сўраб мурожаат қилган хотин-қизларнинг 1586 нафари янги иш ўринларига жойлаштирилди.***

● ***Қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллаларда балоғатга етмай турмуш қуриш, қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш каби мавзуларда тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилиб, шаҳар ва қишлоқларда 541 та учрашув, давра суҳбатлари уюштирилди.***

● ***Вилоят халқ таълими бошқармаси юролмайдиган 162 нафар ногирон боланинг ўз уйларида таҳсил олишлари учун шароит яратиб берди.***

● ***Қизил яримой жамияти вилоят кенгаши тиббий ҳамширалари 314 нафар ёлғиз қарияга тиббий, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишмоқда. Шунингдек, жамоа 150 та кам таъминланган оилага 1 миллион 200 минг сўмликдан зиёд мурувват ёрдами кўрсатишди.***

● ***«Жиззахтранс» йўловчи ва юк ташиш уюшмаси томонидан 759 нафар ёлғиз қарияга шаҳар ва туманлараро транспортларда (таксидан ташқари) бепул юриш чипталари берилди.***

## Сув ва ҳаводек зарур

**_Меҳр ва мурувват йили муносабати билан вилоят таълим муассасаларида «Меҳр ва мурувватни қандай тушунаман?» мавзуида иншолар кўрик-танлови ўтказилди. Ўқувчилар ўз дунёқарашлари ва билимлари асосида мавзуни эркин талқин қилганлар, ёритиб берганлар._**

### Иншолар мутолааси

*«Меҳр-мурувватли, оқибатли инсонларга хос фазилатлар: мардлик, сахийлик, ваъдага вафодорлик, поклик, қалби кенгликдир,* — деб ёзибди Жиззах давлат педагогика институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Моҳира Муродова. — *Бундай инсонлар муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатганда миннат қилмайди, таъна тошларини отмайди, тилни ёмон сўздан, қўлни ёмон ишдан сақлайди. Унинг учун меҳр-мурувват кўрсатиш ҳаётий эҳтиёжга айланиб қолади...»*

Зарбдор туманидаги 9-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси Феруза Муқимова шундай фикрларни билдиради: *«... Меҳрни ифода этишнинг усули — мурувват кўрсатиш. Агар меҳр қуёш бўлиб ниҳолни ўстирса, мурувват пухта замин бўлиб унинг илдизини бақувват қилади. Илдизи бақувват ҳар қандай ниҳол тез ўсади, серҳосил бўлади. Ишончим комилки, инсон сувсиз, ҳавосиз яшай олмаганидек, меҳр-мурувватсиз ҳам яшай олмайди. У ҳаётимиз мазмуни, ўзлигимиз рамзидир. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов тарих саҳнасида халққа меҳр ва мурувват кўрсатишнинг, эл бахти-саодати, Ватан равнақи йўлида фидойиликнинг тимсоли сифатида намоён бўлмоқда».*

Жиззах педагогика коллежи 2-курс талабаси Сабоҳат Йўлдошеванинг бу борадаги фикрлари ҳам ўзига хос: *«Меҳр ва мурувват — бу инсон қалбини макон қилган олмос. Ундан доимо зиё, нур жилоланиб туради, ҳаммани ўзига мафтун этади. У дилларни яйратади. Олмос қанчалик кўп нур таратса, баҳоси ошиб бораверганидек, меҳрли, мурувватли инсоннинг қадр-қиммати ҳам шунчалик юксалаверади.*

*Ҳақиқатдан ҳам, меҳр тушунчаси ниҳоятда кенг тушунчадир. Қалбида ота-онасига, Ватанига, халқига, дўстуёрига, табиатга нисбатан меҳрни мужассам этган инсон энг мукаммал инсондир. Меҳр-муҳаббат шундай қудратли кучки, кимнинг қалбига йўл топган бўлса, уни ҳам шу йўлга бошлайди. Меҳрли инсон бировга ёмонликни раво кўрмайди».*

Пахтакор туманидаги 13-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Шаҳло Мамадалиеванинг сўзлари Сабоҳатнинг фикрларини давом эттиргандай: *«Меҳр — бу бамисоли қуёшдир. Унинг нурларидан ҳар бир инсон баҳраманд бўлишга ҳақли. Меҳр одамларни ҳар қандай хусумат, гина-кудратдан, ғаразгўйлик, фитна-адоватдан фориғ қилади. Шу нарса аниқки, кимнинг қалбида меҳр ва мурувват туйғулари устувор бўлса, ўшаларгина бошқалар кўнглига рўшнолик бағишлай олади».*

Бахмал тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи талабаси Х. Турсунбоеванинг фикрлари кишини бефарқ қолдирмайди: *«Меҳр. Биргина шу сўзнинг замирида қанча маъно ётганини ҳамиша ҳам ҳис қилавермаймиз. Бошимиз ёстиққа тегиб, одамларнинг эътиборига муҳтож бўлгандагина унинг қадрини англаймиз. Баъзан бир оғиз ширин сўз инсоннинг қалбини тоғдай кўтариб, ҳаётдан завқланиб яшашга ундайди. Шундай экан, бу ёруғ оламда меҳрга муҳтожларга кўмак қўлини чўзишдан-да улуғроқ ишнинг ўзи йўқ».*

Бу дунё кенг ва мураккаб. Умр эса чекланган. Шундай экан, имконимиз борида инсонлар қалбига меҳр ва эзгулик уруғини сочайлик, қўлимиздан келгунча, муҳтожлардан меҳр ва мурувватимизни аямайлик, деган ғоя мужассам ёшлар онгида.

Иншоларни ўқир эканмиз, юртимиз келажаги соғлом фикрловчи ёшлар қўлида эканлигидан мамнун бўламиз.

**Феруза НИГМАТОВА,**
**Вилоят Халқ таълими бошқармаси услубчиси.**



## Азалий анъана давомчилари

Тинчлик барқарор элда тўйлар бўлади, яхшилик эзгу мевалар беради. Дилларда меҳр, саховат туйғуси жўш уради. Энг муҳими, бундай юртда ўз элига, яқинларига меҳрини сочмоқни истаган, ён-атрофдагилардан мурувватини аямайдиган инсонлар кўпаяди. Шу маънода айтадиган бўлсак, мамлакатимиз ана шундай фирдавсмонанд гўшадир. Шу боис ҳам юртимизда эзгу хислатлар мўл. Уларнинг юзага чиқиши эса жорий йилда янада очиқ-ойдин намоён бўлаётир.

Истиқлол меҳридарё кишилар қалбидаги ширин туйғуларни, ҳисларни баралла юзага чиқариш имконини берди. Бошқаларни ҳам шундай инсонпарвар, элпарвар бўлишга даъват қилмоқда.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида Меҳр-мурувват нурлари бошқа жойларда бўлгани каби Жиззах вилоятининг энг олис қишлоқларигача ҳам етиб борди.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, бугунгача вилоят бўйича 177 мингдан кўпроқ мурувватга муҳтож оила ҳамда фуқароларга моддий ёрдам берилди. 1830 нафар ногирон ва чин етимларга 12,4 миллион сўм тарқатилди. 1186 киши сиҳатгоҳларда бепул дам олди ва ҳоказо...

Энг муҳими, «Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастурига ўзимнинг ҳиссамни қўшаман, дегувчилар кўп. Кимдир ёз фаслида қишлоғидаги мактабни янгилаб берди. Бошқа бир тадбиркор ўзи ўқиган мактаби учун қўшимча синф хоналари қурди. Шаҳарга ўқишга кирган талабаларга ҳомийлик қилаётган, шундай савобга бел боғлаган корхона ва ташкилотларга тасаннолар айтасан киши...

Ёки ҳар бир хонадонда тиббий хизмат назоратини ўрнатишга интилаётган соҳа ходимлари йил шарофати боис янги жиҳозлар, автоуловларга эга бўлишмоқда. Хусусан, вилоят кўзи ожизлар жамияти яқиндагина «Матиз» автомашинасини олди. Жиззах шаҳри ҳамда 7 та туман марказий шифохонаси «Дамас» русумли санитар автоулови билан таъминланди.

Хуллас, айтаверсак, бундай хайрли ишларнинг охири йўқ ва шундай бўлсин ҳам. Зеро, савобталаб халқимиз учун ўзгаларга кўмак бериш, муҳтожларни қўллаб-қувватлаш азалий мерос.

Биз эса бундай анъаналаримизнинг содиқ давомчилари бўлиб қолишимиз лозим.



Буважон, юз ёшингизга атаб шеър ёздим!

## Соғлом она — соғлом бола

**_Бугунги кунда юртимизда аёлларга алоҳида эътибор қаратилиб, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бу борада, айниқса, уларнинг соғлиғини тиклаш, беморларига мадад бўлиш йўлидаги ҳаракатлар мақтовга лойиқдир..._**

Тиббиёт ходимлари Дилафрўзга вақтинча фарзанд кўрмасликни тавсия этишганларида у бу сўзларни эшитишни ҳам хоҳламади. «Кам қон бўлсам даволанаман. Қувватимдан эса нолимайман. Далага чиқиб ишлаб юрибман-ку», дея маҳалла вакиласини гапиришга қўймади.

Эртаси куни Дилафрўз ҳамда унинг турмуш ўртоғи билан туман акушер-гинекологи Норбуви Раҳматуллаеванинг ўзи суҳбатлашганидан кейингина ёш оила тўғри қарорга келишди.

— Афсуски, туманда ўтказилаётган аҳоли саломатлигини ҳовлима-ҳовли юриб назорат қилиш, беморларга амалий ёрдам кўрсатиш пайтида бундай ҳоллар тез-тез учраб турибди, — дейди Дўстлик тумани Марказий шифохонасининг бош шифокори Шуҳрат Болтаев. — Айниқса, фарзанд кўриш ёшидаги аёллар билан кечадиган суҳбатларда бундай муаммолар кўп. Шунинг учун улар билан алоҳида, батафсил тушунтиришлар олиб боришни ташкил этганмиз.

Айни пайтда туманда бу ёшдаги аёллар сони 11000 нафардан зиёдни ташкил этади. Кўрик жараёнида аниқланган турли касалликларни қатъий назоратга олиб, беморларнинг уйларига бориб даволаш яхши йўлга қўйилган. Тиббий кўрикда, айниқса, ёш оилаларга жиддий аҳамият берилаяпти. Туманда ташкил этилган репродуктив саломатлик маркази тарғибот-ташвиқот тадбирлари ҳам яхши самара бераяпти. «Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш», «Қизларни турмушга тайёрлаш» каби мавзулардаги суҳбатлар ана шулар жумласидандир.

Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида биргина Саритепа қишлоқ фуқаролар йиғинида кейинги ойларда ўтказилган патронажлар натижасида 50 нафар аёл ўз соғлиғини тўлиқ тиклаб олди. Туғилаётган чақалоқларнинг соғломлиги эса ўтказилаётган тадбирларнинг нечоғли зарурлигини, қишлоқ аёлларига бўлган эътиборнинг самарасини кўрсатиб турибди.

**Меҳр ва мурувват манзиллари бўйлаб «Халқ сўзи» мухбири Б. САТТОРОВ сафар қилди.**

*Қўққисдан айтилган гап*



**Йўлларда нима воқеалар бўлмайди дейсиз. Саргузашту ҳангома, тасодифу кутилмаган ҳолатлар. Аммо шу йилнинг 16 август куни Бухоро вилоятидан Тошкентга қайтаётганимизда анча-мунча йўловчилар гувоҳ бўлган можаро ҳаммасидан ошиб тушди.**

# Нафс йўлидаги ... огоҳлик

Бухоро вилоятининг чегара тумани Ғиждувондан чиқиб бораётганимизда соат 11 лардан ошган эди. Биз тушган давлат рақами 20 L 4636 бўлган автобусни йўл-патруль хизмати ходимлари тўхтатишди. Ҳайдовчи ЙПХ ходими келишини кутиб ўтирмай ҳужжатларни олиб пост томонга йўл олди.

Бироздан сўнг кайфияти тушган ҳайдовчи уни тўхтатганлар, оз эмас-кўп эмас, 13 минг сўм пул талаб қилишаётганини айтди.

Қизиқ, йўл ҳаракати қоидаси бузилмаган бўлса, ҳамма ҳужжатлар жойида...

Автобус шунча йўловчи билан ҳаракатсиз турибди. Одамлар ўзлари учун ҳам бефарқ бўлмаган бу муаммони турлича муҳокама қилишарди. Биров «Инспектор билан тортишма, йўқ жойдан айбингни топади, бирор нарса бериб рози қил», деса, яна кимдир «Айбинг бўлмаса, нега қўрқасан, ҳаққингни талаб қил», деб маслаҳат қилди.

Шу топда ҳайдовчини ичганликда гумон қилишди. Уни тиббий экспертизага олиб кетишди. Ярим соатлардан сўнг ҳайдовчи текширувдан ёруғ юз билан қайтди.

— Тўхта, — деди ЙПХ ходими. — Ҳечам айбинг йўқми? Қани, лицензиянгни буёққа олчи.

Ўз ниятига астойдил киришган инспекторнинг бирдан юзи ёришиб кетди.

— Ҳа-ҳа, қўлга тушдингми? Бу ерда охирги тўлов ҳақида белги йўқ-ку?

Ҳайдовчи ҳам бўш келмади. Шу ердан нуфузли идорада ишлайдиган танишига қўнғироқ қилди. Бу орада ЙПХ ходими автобуснинг давлат номерини ечиб улгурган эди. Кўп ўтмай воқеа бошқача тус олди. Ҳалиги қўнғироқ иш бериб, автобус йўлга тушди.

Бўлган воқеа шу. У турли ёш ва савиядаги одамлар, Корея давлатидан келган 7 нафар сайёҳ, ҳатто ёш болалар кўз ўнгида содир бўлди.

Бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин?

Инспекторнинг неча бор турланиши одамларга қандай таъсир қилдийкин?

Ким билсин, бошқа бир ҳолатда ҳайдовчи сўралган пулни бериб кетаверармиди? Айтайлик, лицензиядан камчилик топган йўл-патруль хизмати ходими эртага ҳам ўзи ҳақ эканлигини исботлаб берар.

Лекин бу ҳолда нега нуфузли идора ходимининг гапи олдида миқ этолмади, «принципиал» йўлидан воз кечди? Эгнига ички ишлар соҳаси либосини кийган ходимлар аслида мамлакатимизда амал қилаётган қонунчилик рамзига айланган. Агар улар кўра-била қонунга зид боришса, халқ наздида бошқалардан кўра кўпроқ гуноҳни зиммасига олган бўлади. Фақат милицияга эмас, давлатимизга бўлган ишончи сусаяди.

Яна бир гап. Огоҳлик ҳақида сўз юритганимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларига кенг жамоатчилик камарбаста бўлиши керак деймиз. Биз ҳикоя қилган ҳолатдаги нуқул ўз манфаатини ўйлаган милиция ходимига одамлар яқинлашармикан? Қолаверса, ўз зиммасидаги вазифани ёддан чиқариб, нафсини ўйлаган айрим ходимлар туфайли ҳушёрликни йўқотмаётибмизмикин?

**Баҳодир ФАЙЗИЕВ.**

## *Ширинободдан чемпионлар чиқади*

Нишон туманидаги Ширинобод маҳалласи АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги ЮСАИД томонидан молиялаштирилаётган Маҳалла ҳаракатини сармоялаш дастурида иштирок этмоқда. Яқинда улар ушбу дастур ёрдамида спорт майдончасига эга бўлдилар.

Энди футбол, баскетбол майдонлари, теннис кортида Ширинобод ва қўшни қишлоқлардан мингдан зиёд спорт ихлосмандлари шуғулланишаётир.

Яқин йиллар ичида Ширинободдан ҳам Ўзбекистон номини жаҳонга ёйдиган машҳур спортчилар чиқса ажаб эмас.

Жаҳон спорти

## *Қимматга тушган Олимпиада*

Яқинда Афинада бўлиб ўтган ёзги Олимпиада ўйинлари Греция учун 7



миллиард еврога тушди. Мазкур Олимпиада сўнгги 100 йил ичидаги энг қиммат мусобақалар бўлди.

Греция Бош вазири Костас Караманлис шу муносабат билан чиқишида Олимпиада туфайли жорий йилда давлат бюджетидаги камомад 5,3 фоиз бўлишини таъкидлади.

## *Кличколар Австрияга кўчишмоқчи*

Айни пайтда Германияда истиқомат қилаётган оғир вазндаги боксчилар Виталий ва Владимир Кличколар бундан кейин Австрияда яшаш хоҳишини билдиришди. Ака-укалар Австрия бокс лицензияларини олиш учун ариза ҳам ёзишган.



Австрия бокс иттифоқи (FVA) президенти Виллибальт Палатиннинг айтишича, ака-уканинг мамлакат бокс иттифоқи қаноти остига ўтиши учун фақатгина Германия бокс иттифоқи (DBD)нинг розилиги керак холос.

Кличколарни Австрияга кўчишга мажбур қилган сабаблардан бири, боксчилар ва уларнинг собиқ промоутери Клаус-Петер Коль ҳамда «Universum Box-Promoution» клуби ўртасидаги келишмовчиликлардир. Зиддият боксчилар ва промоутер ўртасидаги шартномаси муддати тугаши бўйича юзага келганди. Маълумотларга кўра, Кличколар промоутер Вилфрид Зауэрланд билан шартнома тузишни режалаштиришмоқда.

## *Фишер Швейцариядан бошпана сўради*

Шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони Бобби Фишер Швейцариядан сиёсий бошпана сўради. Ҳозир Японияда ушланиб турган Фишер шу тарзда АҚШга мажбуран жўнатилишдан қутулмоқчи.



Собиқ жаҳон чемпиони Япония ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан жорий йилнинг июль ойида яроқсиз паспорт билан қўлга олинганди. Япония суди уни АҚШга мажбуран жўнатиш бўйича ҳукм чиқарганидан сўнг, у ватанига қайтмасликка уринмоқда. Дастлаб Фишер суд ҳукмига норозилик билдирди. Кейинчалик, япон фуқароси Миийоко Ватаига уйланишга ҳаракат қилди. Бироқ паспорт муаммоси туфайли улар рўйхатдан ўтиша олмади.

«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация)
ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»
предлагает к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.
Завод-изготовитель – «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

| Диаметры труб (мм) | Цена за 1 тонну (без НДС) сум. Цены действительны по 28.09.2004 г. |
|---|---|
| **ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:** | |
| ДУ 15x2,8 мм | 919000 |
| ДУ 20x2,8 мм | 919000 |
| ДУ 25x2,8-3.2 мм | 909000 |
| ДУ 32x3,2 мм | 899000 |
| ДУ 40x3-3,5 мм | 899000 |
| ДУ 50x3-3,5 мм | 899000 |
| ДУ 65x4,0 мм | 869000 |
| ДУ 80x3,5-4,0 мм | 869000 |
| ДУ 100x4,5-5,0 мм | 879000 |
| **ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:** | |
| 76x3,5 мм | 879000 |
| 89x4,0-5,0 мм | 879000 |
| 108x3,5-5,0 мм | 879000 |

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):
- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 132-20-56, 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.
E-mail: uzkommashta@tkt.uz
Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Ниёзбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Узбеккоммуналлойиҳа».
Товар сертифицирован, услуги лицензированы.

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР
Micros®
CAS
Биз Бутун Жаҳонни Ўлчаймиз
КАФОЛАТ МУДДАТИ 2 ЙИЛ
Ҳар қандай кўринишдаги электрон ТАРОЗИЛАР
САВДО УЧУН
ЕРГА ЎРНАТИЛАДИГАН
КРАНЛАР УЧУН
ЛАБОРАТОРИЯ УЧУН
МАХСУС ПЛАТФОРМАЛИ
ОМБОРХОНА УЧУН
АВТОМОБИЛЬ ВА ТЕМИРЙЎЛ ТАРОЗИСИ
e-mail: scales@ucd.uz web-site: www.ucd.uz
700060, Тошкент, С. Азимов кўч, 72а
Тел.: (371) 133-85-77, 120-68-61
132-06-61; факс: (371) 132-06-85
Мовароуннаҳр кўч, 19
Тел.: (371) 133-53-79

O'ZSANOATQURILISHBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади!

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР қабул қилинади.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

Товар сертификатланган.
МЧЖ «МАЛВИЛ» таклиф этади
ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАР
Geko & Eisemann (Германия)
(Тошкентдаги омборда ва буюртма билан)кувватн 0,7 дан 2000 кВАгача
ЭЛЕКТР АСБОБЛАР
makita (Япония)
ПАЙВАНДЛАШ УСКУНАЛАРИ
(Италия ва Украинада ишлаб чиқарилган)
Тўлов шакли-турлича.
Кафолат муддати- 6 ойдан 2 йилгача.
Тошкент ш., Малясов к.,3, 113-115-хоналар.
Тел.:(998-71) 120-68-36,137-63-98,
(998-97) 110-20-36.
E-mail@email.ru;malvil-uz@mail.r

WESTMINSTER INTERNATIONAL UNIVERSITY IN TASHKENT
ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИ
2005 йил абитуриентлари учун
ИНГЛИЗ ТИЛИ (IELTS) ВА МАТЕМАТИКА ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА
ҚАБУЛ БОШЛАНГАНЛИГИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Курсларга тест синовларидан муваффақиятли ўтган тингловчилар қабул қилинади.
Маълумот учун телефонлар:
132-27-74, 137-46-54.
Манзилимиз: Охунбобоев кўчаси, 12.

ЎЗБЕКИСТОН - КИПР ҚЎШМА КОРХОНАСИ
MEKSKORT INDUSTRIES
Тошкентда ишлаб чиқариб ва омборхонасидан чакана ва улгуржи нархларда
ЭЖК A2DII русумли оқ тунукадан, олий сифатли «БЕКАЖОН», шиша банкаларни консервалаш учун ҚОПҚОҚЛАРНИ сотади.
Оддий ва литографияли, икки маротаба лак қопламали.
Тўлов шакли — турли усулда.
Қопқоқларнинг сақланиш муддати — 2 йил.
Тел.: 136-00-33, факс: 136-12-21.
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Мовароуннаҳр» кўчаси, 19-уй.
Товар сертификатланган

«Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамияти жамоаси жамиятнинг иқтисод бўйича директори Шаҳлохон Нурмуҳамедовага падари бузруквори

**Зиёвуддин ота НУРМУҲАМЕДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компанияси жамоаси «Озиқовқатсаноат» уюшмаси раиси Б. Холмуҳамедовга онаси

**ВАЗИРА аянинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси ўқув-услубий бўлим 1-тоифали методисти Гавҳархон Сиражидиновага онаси

**Ойшахон ая МАСАДИРОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Акциядорлик тижорат Турон банки бошқаруви ва жамоаси банкнинг Ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Абдухолиқовга падари бузруквори

**МАННОБ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқуббова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.10 1 3456